

Ибн Жарирнинг таснифотлари 358 минг varaқ атрофида бўлган



16:20 / 07.07.2019 1502

Ибн Жарир 224-ҳижрий санада таваллуд топиб, 310-ҳижрий санада 86 ёшда вафот этган. Агар бу ёшдан балоғат ёшигача бўлган даврни ўн тўрт йил деб ҳисоблаб олиб ташласак, шунда Ибн Жарир етмиш икки йил ҳар куни ўн тўрт varaқдан ёзилган етмиш икки йилни ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, Ибн Жарир энг камида 358 минг varaқ тасниф этган бўлиб чиқади.

Ҳисоблашгандан кейин у зотнинг қаламига мансуб «Тарих» ва «Тасниф» асарларининг ҳар бирини уч минг varaқ атрофида бўлган деб эътиборга олишган. Шунга кўра, ушбу икки китобнинг ўзи етти ё саккиз минг varaққа етиб борган. «Тарих» катта-катта ўн бир жузда, «Тафсир» катта-катта ўттиз жузда чоп этилган бўлиб, бу жузларнинг ҳар бири бир мужаллад келади.

Булардан ташқари, яна 351 минг varaқ тасниф этган асарлари борлиги ҳисобга олинса, бу имомнинг кенг илм соҳаларини жамлагандан ташқари қанчалик даражада кўп асарлар таълиф этганини билиб оласиз. Бу зот шунча маълумотларни бир ўзи қўллари билан varaқларга ёзарди, ўз фикрларини ва илмларини тоза асал ва тотли қаймоқдек қилиб чиқариб берарди. Агар вақтидан унумли фойдаланмаганида ҳамда вақтини қандай қилиб истифода қилиш ва таълиф этишни билмаганларида бундай хайратомуз ютуқларга эриша олармиди?!

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан